

АМЕРИКА АДАБИЁТИ АЁЛ ЁЗУВЧИЛАР ИЖОДИДА ЭКО-ФЕМИНИЗМ МАВЗУСИ

Хайруллоева Нигорабегим Невматилло кизи

Бухоро давлат университети

Хорижий тиллар факултети

khayrullayevanigora@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада XX асрда аёллар бошчилигидаги сиёсий ҳаракатлар натижасида пайдо бўлган Америка адабиётидаги эко-феминизм оқимининг илдизлари ва уибу адабий оқим таниқли вакиллариниг асарларининг моҳияти ҳақида сўз боради. Жумладан, Йоан Лин Слонцзевски, Урсула К. Ле Гuin, Мириям Смос Сторхоук, Маргарет Атвуд каби экофеминист ёзувчиларнинг атроф-муҳитни асрраб-авайлаши, она Замин тақдирига ҳамдардлик, табиат билан ҳамишиа уйғун бўлиши туйгулари билан сугорилган асарлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: экологик ҳаракат, феминизм, эко-феминизм, андроцентризм, антропоцентризм, гендер тенглик, табиат.

ABSTRACT

This article reviews the roots of the eco-feminism movement in American literature that arose as a result of women-led political movements in the 20th century, and the essence of the works of prominent representatives of this literary movement. In particular, the works of ecofeminist writers such as Yoan Lynn Slonszewski, Ursula K. Le Guin, Miriam Smos Storhawk, Margaret Atwood, imbued with the feelings of environmental protection, sympathy for the fate of Mother Earth, and always being in harmony with nature, are analyzed.

Key words: ecological movement, feminism, eco-feminism, androcentrism, anthropocentrism, gender equality, nature.

КИРИШ

Замонавий ижтимоий-сиёсий ҳаётда кузатилаётган тенденциялардан бири хотин-қизларнинг жамоат ташкилотларидағи фаоллиги ошиши ҳисобланади. Атроф-муҳит муаммоларининг ортиб бораётган аҳамияти ва аёлларнинг сиёсий фаолиятга қўшилиши тенденциялари чорраҳасида экофеминизм каби ҳаракат ажralиб туради. Экофеминистлар табиатга заарар етказиш ва аёллар устидан

хукмронлик қилиш масалаларини ўзаро боғлайдилар, чунки улар бу иккала зулм ҳам хукмронликни белгиловчи мафкурада чамбарчас боғлиқлигини аникладилар.¹ Зероки, табиатга кўпинча «она табиат», «она замин», «гўзал табиат» каби аёл фазилатлари берилади. феминизм ҳаракатининг тарқалиши доирасида ижтимоий-сиёсий маконда аёлларнинг кун тартиби янгилини, тобора оммалашиб бораётган “яшил” мафкуралар билан бирлашмоқда.²

Экофеминизм - илдизлари экологик фикрлаш ва танқид билан чамбарчас боғлиқ бўлган танқиднинг бир тури. Ноел Стургон таъкидлаганидек, “экофеминизм кўп муаммоли, глобал йўналтирилган ҳаракат бўлишни мақсад қиласди”.³ Аслида хилма-хиллик экофеминистик назария учун жуда муҳимдир, чунки бутун дунё бўйлаб ҳар қандай муносабатлардаги тенгсизлик унинг мавзу доирасига тегишли.

Феминизм ва экологизмнинг уйғунлиги ажабланарли эмас, чунки экологик оғатларга дучор бўлган биринчи гурӯхлар одатда аёллардир, чунки патриархал жамиятда улар табиат билан алоқани таъминлайди. Патриархия аёлларга эркаклар ва болаларнинг ғамхўрлигини буюрганидек, аёллар жамиятнинг умумий саломатлиги учун масъулдирлар. Шундай қилиб, бу экологик ҳаракатларга раҳбарлик қилган шахслар асосан аёллар бўлиши ажабланарли эмас. Ва ниҳоят, экофеминистлар табиатга зарар етказиш ва аёллар устидан хукмронлик қилиш масалаларини ўзаро боғлайдилар, чунки улар бу иккала зулм ҳам хукмронликни белгиловчи мафкурада чамбарчас боғлиқлигини аникладилар.⁴ Зероки, табиатга кўпинча «она табиат», «она замин», «гўзал табиат» каби аёл фазилатлари берилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Инглиз адабиётшунослигига эко-феминизм масаласи Патрик Д. Мерфи, Каролин Мерчант ва Шарлин Спретнак каби турли танқидчи ва адабиётшунос олимлар томонидан чуқур муҳокама қилинган. Рус адабиётшунослигига эса С.В.Гречишкина, Е.С.Бурмистрова, Е.Р.Мартинова сингари олимлар ишларида маҳсус ўрганилган.

Ушбу мақолада қиёсий-таҳлил ва дискриптив методларидан фойдаланилган.

¹ Merchant, Carolyn. *Earthcare: Women and the Environment*. London: Routhledge, Inc, 1996. P. 5

² Бурмистрова Е. С. Экофеминизм: между устойчивым развитием и гендерным равенством (на примере организации «Женщины, борющиеся за общее будущее») // Вестник Прикамского социального института. 2021. № 3 (90). С. 137–144.

³ Sturgeon, Noel. *Ecofeminist Natures: Race, Gender, Feminist Theory, and Political Action*. New York: Routhledge , 1997. P.24

⁴ Merchant, Carolyn. *Earthcare: Women and the Environment*. London: Routhledge, Inc, 1996. P. 5

НАТИЖАЛАР

Эко-феминизм табиат ва маданиятни асраш тарафдори бўлган аёлларнинг овозини тинглашга чақиради. Умуман олганда, экофеминизм гендер нуктаи назаридан қараладиган экологик муаммоларни ўрганади. Гендер позициясининг актуаллашуви аёлнинг эркадан кўра табиатга яқинроқ эканлиги билан изоҳланади. Аёллар гендер камситишларига қарши чиқиб андроцентризм ва антропоцентризмни танқид қилади. Улар ҳукмонлик ва зулмнинг турли шаклларига қарши чиқиб, одамлар ва табиат уйғун бўлган дунёни тиклашга ҳаракат қилишди.¹

Экофеминистик таҳлил маданият, иқтисод, дин, сиёsat, адабиёт ва иконографияда аёллар ва табиат ўртасидаги боғлиқликларни ўрганади ва табиатнинг ва аёлларнинг хўрланиши ўртасидаги ўхшашликларни кўриб чиқади. Бу ўхшашликлар аёллар ва табиатни мулк сифатида кўриш, эркакларни маданият куратори, аёлларни эса табиат куратори сифатида кўриш ва эркакларнинг аёллар ва одамларнинг табиатда қандай ҳукмонлик қилишини ўз ичига олади, лекин улар билан чекланмайди. Экофеминизм аёлни ҳам, табиатни ҳам ҳурмат қилиш кераклигини таъкидлайди.

Америка адабиётида ана шундай ғояларни бадиий асарларда моҳирона тасвирлай олган аёл ижодкорлар сирасига Йоан Лин Слонцзевски (*"A door into Ocean"*), Урсула К.Ле Гuin (*"Always coming Home"*), Мириям Смос Сторҳоук (*"The Fifth Sacred Thing"*), Шери С.Теппер, (*"The Gate to Women's Country"*), Сюзи МакКе Шарнас (*"The Holdfast Chronicles"*), Сюзэт Хаден Элгин (*"Native Tongue"*), Октаавиа Бутлер(*"The Parable of the Sower"*), Барбара Кингсолвер(*"Prodigal Summer"*), Маргарет Атвуд (*"Surfacing"*), Салли Миллер Геархарт (*"The Wanderground"*), Дороси Брант (*"The Kin of Ata are Waiting for You"*), Марж Пирси (*"Woman on the Edge of Time"*), Мариан Энгел (*"Bear"*), Элис Валкер (*"The Temple of My Familiar"*) каби эко-феминист ёзувчиларни киритиш мумкин.

МУХОКАМА

Аёллар бошчилигидаги экологик ҳаракатлар натижасида XX асрнинг 90 йилларида Америка адабиётини бойитувчи ҳам феминизм, ҳам экологик мавзулар орқали ўзларининг ҳамдардликларини ифода қилувчи аёл ёзувчилар томонидан яратилган романлар дунёга кела бошлагани ва Америка

¹ Тан, Юй. Женские образы в романе «Война и мир» в аспекте экофеминистской литературной критики / Юй Тан. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2020. — № 30 (320). — С. 160-163. — URL: <https://moluch.ru/archive/320/72797/> (дата обращения: 10.11.2022).

маданиятидаги хукмрон тизимга қарши критисизмнинг бу янги турига экофеминистлар томонидан асос солингани юқорида таҳлил қилинди.

Таникли адабиёт вакили **Маргарет Атвуд**, канадалик шоира, ёзувчи, адабий танқидчи, эссеист, экологик активист ва ихтирочи олима, Америка адабиётда эко-феминистик услуги билан ўз ўрнига эга. Унинг лирик ва прозаик асарларида ўзлик, дин ва тилнинг аҳамияти, иқлим ўзгариши ва сиёсий хукмронлик каби мавзулар қаламга олинади. Шеърий асарларида Атвуд болалигидан қизиққан афсоналар ва эртаклар таъсири жуда ҳам сезиларли. “The Edible woman” Маргарет Атвуднинг 1969 йилда нашр этилган биринчи романи бўлиб, Атвуднинг катта аҳамиятга эга бўлган наср ёзувчиси сифатида шаклланишига ёрдам берди. Бу Мариан исмли ёш аёлнинг ҳикояси, унинг ақли расо, истеъмолга йўналтирилган дунёси эътибордан четда қола бошлайди. Атвуд ўз асарларида одамларнинг ҳайвонларга муносабати ҳақида қайта-қайта мулоҳазалар қиласи. Атвуд “Орикс ва Крейк” романida яратган дистопиянинг катта қисми ҳайвонлар ва одамларнинг генетик модификацияси ва ўзгаришига таянади, натижада қабутар-чўчқалар, ракунклар, бўри-итлар ва кракерлар каби дурагайлар пайдо бўлади, улар фан ва технологиянинг чегаралари ҳақида, шунингдек, инсон бўлиш нимани англатиши ҳақидаги саволлар туғдиради.¹ “Surfacing” асарида қаҳрамонлардан бири ҳайвонлар гўштини истеъмол қилаётганимиз учун ҳам биз уларнинг гўшти вужудимизга кириб бориши эвазига тирик эканимизни аччик кесатиқ билан айтади.²

Йоан Лин Слонцевски илмий-фантастик асарлар муаллифи саналади. “Океан эшиги” (“*A Door into Ocean*”, 1986), “Элизиум маликалари” (“*Daughters of Elysium*”, 1993), «Ёш юлдуз» (“*The Children Star*”, 1998), «Миядаги ўлат» (*Brain Plague*, 2000) асарларида ёзувчининг асл касби микробиолог сифатидаги қарашларини ҳам кузатишимиш мумкин. 1987 йилда энг яхши илмий-фантастик асари номинацияси буйича “Кемпбелл мукофоти”га лойиқ деб топилган жуда машҳур “Океан эшиги” асарида ҳам генетика ва экологик билимларнинг бетакрор ифодасини кўришимиз мумкин.³ Бу асар ген инженерлари сифатида фаолият юритувчи фақат аёлларгина истиқомат қилувчи буткул сув билан қопланган эко-тизимни тасвирлайди. Шунингдек, “Энг баланд қалъа чегараси” (*The Highest Frontier*, 2011) романи ҳам сиёсий, ижтимоий ва экологик

¹ Sanderson, Jay (2013). "Pigoons, Rakunks and Crakers: Margaret Atwood's Oryx and Crake and Genetically Engineered Animals in a (Latourian) Hybrid World". *Law and Humanities*. 7 (2): 218–239. doi:10.5235/17521483.7.2.218. S2CID 144221386.

² Margaret Atwood. “Surfacing” P:125

³ Higgins, Edward F. (October 18, 2001), "Quaker Ethos as Science Praxis in Joan Slonczewski's A Door into Ocean", *Paper Presented at the International Science Fiction Conference*

муаммоларни моҳирона тасвирлагани учун Кемпбелл мукофоти билан тақдирланади.

Америкалик яна бир ижодкор **Мириям Смос Сторҳоук** Неопаганистик феминизм назарияси вакили сифатида ўзининг “Айланма рақс” (“*The Spiral Dance*”, 1979) каби назарий асарларида янгича диний-фалсафий қарашларни ифода этган. Сторҳоукнинг “Бешинчи муқаддас нарса” (“*The Fifth Sacred Thing*”, 1993) бадий тўқима асарида эса олов, ер, ҳаво ва сув элементларидан ташқари инсон учун энг керакли «руҳият», «вужуд» нинг зарурияти тасвирланади. Ёзувчи асарда Экотопия тушунчасини киритади¹, яъни асар қаҳрамони ҳар бир уй олдида кичик боғи бор, кӯчалари чаманзор ва мевали дараҳлар билан тўла ютопик маконда истиқомат қиласи. Озик-овқат эса ҳамма учун керагидан ортиқ тарзда тасвирланади ва егуликларга жамиятнинг ҳар бир аъзосига тегишли маданий-табиий туганмас ресурс сифатида қаралади. Асар «Энг яхши илмий, фантастик, триллер асар» номинацияси буйича VI Ламбда Адабий Мукофоти билан тақдирланади.

Урсула К.Ле Гuin ҳам эко-феминистик мавзуларни ёритган бир қанча ҳам назарий, ҳам бадий асарлари билан Америка ва жаҳон адабиётида муносиб ўрин эгаллаган. Айниқса, “Зулматнинг чап қўли”(*The Left Hand of Darkness*), “Er-сув ҳикоялари”, (“*Earthsea series*”), “Уйга қайтиш”(“Always coming Home”) ва “Бўйсунмас инсонлар”(“*The Dispossessed*”) каби фантастик асарлар тақорорланмас янги бадий услуби билан ажralиб туради. Масалан, “The Left Hand of Darkness” асарида стилистик ва структуравий жиҳатдан турли пост-модерн хусусиятларини кўришимиз мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, Аёллар бошчилигидаги экологик ҳаракатлар натижасида XX асрнинг 90 йилларида Америка адабиётини бойитувчи ҳам феминизм, ҳам экологик мавзулар орқали ўзларининг ҳамдардликларини ифода қилувчи аёл ёзувчилар томонидан яратилган романлар дунёга кела бошлади. Йоан Лин Слонцзевски, Урсула К.Ле Гuin, Мириям Смос Сторҳоук, Маргарет Атвуд каби экофеминист ёзувчилар гендер камситишларига қарши чиқиб, андроцентризм ва антропоцентризмни танқид қилдилар. Улар атроф-муҳитни асрраб-авайлаш, она Замин тақдирига ҳамдардлик, табиат билан ҳамиша уйғун бўлиш туйғулари билан суғорилган асарларни яратиб, ўз номларини жаҳон адабиётида мангу муҳрладилар.

¹ Schönpflug, Karin, *Feminism, Economics and Utopia: Time Travelling Through Paradigms* (Oxon/London: Routledge, 2008 ([ISBN 978-0-415-41784-6](#))), p. 22 (and perhaps see chap. 7) (author economist, Austrian Ministry of Finance, & lecturer, Univ. of Vienna) (author Schönpflug named Starhawk's work as "The Fifth Element" in original but perhaps intended "The Fifth Sacred Thing", per [Worldcat](#), as accessed Nov. 18, 2011, as no work titled "The Fifth Element" by Starhawk is known, per [Worldcat](#), as accessed Nov. 18, 2011).

АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Merchant, Carolyn (2005). "Ecofeminism". Radical Ecology. Routledge. pp. 193–221.
2. Spretnak, Charlene. (1990) "Ecofeminism: Our Roots and Flowering." Reweaving the World: The Emergence of Feminism, edited by Irene Diamond and Gloria Ornstein, Sierra Club Books, pp. 3-14.
3. Бурмистрова Е. С.(2021) Экофеминизм: между устойчивым развитием и гендерным равенством (на примере организации «Женщины, борющиеся за общее будущее») // Вестник Прикамского социального института. № 3 (90). С. 137–144.
- Burmistrova E. S. (2021) Ecofeminism: between sustainable development and gender equality (on the example of the organization "Women fighting for a common future") // Bulletin of the Prikamsky Social Institute.
4. Гречишкина С. В. (2018) “Процесс формирования экологической культуры в США: американские ценности”, научное статья// Вестник Томского государственного университета Культурология и искусствоведение. № 30
- Grechishkina S. V. (2018) “The process of formation of ecological culture in the USA: American values”, scientific article// Bulletin of Tomsk State University Culturology and Art History. No. 30
5. Xayrulloyeva, N. (2023). АҚШ ЁЗУВЧИСИ МЕРИ ЭЛИС МАНРО АСАРЛАРИДА АНТРОПОНИМЛАР ВА ТАБИАТ ОБРАЗЛАРНИНГ СИМВОЛИКАСИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*), 29(29). Retrieved from: http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8959
6. Xayrulloyeva, N. (2022). ЭКО-ФИКШН ЖАНРИ ТАРАКҚИЁТИ (АМЕРИКА АДАБИЁТИ МИСОЛИДА). ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*), 25(25). Retrieved from: http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/8401
7. Xayrulloyeva, N. (2021). An Image of Women in “Beach House Series” by Mary Alice Monroe. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (*buxdu. uz*), 7(7). Retrieved from: http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/4831/3041
8. Dr.Francis, Deepa Mary (2015) “Eco-consciousness in the Pre-ecocritical Period: a Comparative Reading od S.T.Coleridge’s “The Rime of the Ancient Mariner” and D.H.Lawrence’s “Snake/ INTERNATIONAL JOURNAL OF ENGLISH LANGUAGE, LITERATURE and Translation (IJELR)